



NAZORAT-AUDIT AUDITING COMPANY

**«Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» Акциадорлик Жамиятининг
2017 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботиغا ижобий фикр
билдирилган**

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ таъсисчилари ва раҳбариятига

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот:

ООО «NAZORAT-AUDIT»

Ўзбекистон Республикаси. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Госпитал кучаси 11/2.
Телефон: 95-144-74-55, Факс: +998 71 150 23 01. Юридик шахсни давлат рўйхатидан
ўтказиш тўғрисида гувоҳнома: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
томонидан 11.12.2007 йилда № 545 рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 28.07.2008 йилда берилган
«Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви»ни ўтказиш
бўйича аудиторлик фаолиятини амалган оширишга рухсат берувчи -серия АФ №
000067 Лицензияга эга.

Ҳисоб рақами: 20208000604007713001 ЧЗАКБ «DAVR-BANK» Чиланзар булими, МФО-
01046, СТИР 202884570, ХХТУТ 84400. email: itd_nazorat-audit@mail.ru, web:
www.nazorat.uz.

Аудиторлик ташкилоти директори: Назаров Баходир Нематович САР, Ўзбекистон
Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 йил 26 апрел кунини берилган №
05207-сонли «Аудитор малака сертификати»

Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхона тўғрисида маълумот:

«Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ

Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри,
Дизел кўчаси, 1 уй.

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома
Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳар Хокимлиги ҳузуридаги
Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан
05.12.2014 йилда №63 сонли тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган ва №76
сонли гувоҳнома берилган.

Ҳисоб рақами Х/р 20210000700314531001, Нукус шаҳар АК «Халкбанки» КК
филиали, МФО 00638 СТИР: 200357207, ХХТУТ: 11170

Жамият бошқаруви раиси: З.Т.Керимзатов.

Асосий фаолият тури: Республикада фаолият кўсатаётган корхона,
ташкilotлар ва ҳудудда яшовчи аҳолига шартнома асосида электр
энергияси етказиб беришни амалга ошириш.

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «NAZORAT-AUDIT» аудиторлик
ташкilotининг аудитори Пирназаров Баҳром Султанович, Ўзбекистон Республикаси молия

вазирлиги томонидан 29.09.2017 йилда берилган № 05517 сонли «Аудитор малака сертификати», аудиторлик ташкилоти билан «Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти ўртасида 20.02.2018 йилда тузилган 95/05-18-сонли шартномага асосан «Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамиятининг 01.01.2017 йилдан 31.12.2017 йилгача бўлган даври учун тузилган ва раҳбарият томонидан 13.02.2018 йилда тасдиқланган «Корхона баланси» – форма № 1, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» – форма № 2, «Пул оқимлари тўғрисидаги Ҳисобот» - 4-шакл, «Ўз сармояси тўғрисидаги Ҳисобот» - 5-шаклларида иборат молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазаамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Хулоса тузилган сана: «20» апрел 2018 Йил.

МЧЖ шаклидаги «NAZORAT-AUDIT»
Аудиторлик ташкилоти директори:

Аудитор:



[Signature] Б.Н.Назаров.

[Signature] Б.С.Пирназаров.